

University of Innovation Technologies
X. Kalimbetov, S.Ibragimova M.Zarikeeva, "Moliya va iqtisodiyot" kafedrasida dotsentlari

magistrant N.Innaminova
University of Innovation Technologies
X. Kalimbetov, S.Ibragimova M.Zarikeeva
dozentlari kafedrasida "Finans va iqtisodiyot" magistrant N.Innaminova

University of Innovation Technologies
X. Kalimbetov, S.Ibragimova M.Zarikeeva docents of the Department of
"Finance and Economics" Master's student N. Innaminova

**ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШДАГИ
ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ПРИ
ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ
ОТРАСЛЕЙ**

**ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC RELATIONS IN ESTABLISHING
THE ACTIVITIES OF ADDITIONAL INDUSTRIES**

***Аннотация:** В данной статье авторы раскрыли возможность стимулирования производства сельскохозяйственной продукции в دهقانских хозяйствах за счет развития агробизнеса путем налаживания многоотраслевой деятельности в фермерских хозяйствах, обеспечения расширения масштабов оказания услуг, недостаточных и востребованных рынком в сельской местности.*

***Abstract** In this article, the authors revealed the possibility of stimulating the production of agricultural products in دهقان farms by developing agribusiness by establishing multi-sectoral activities in farms, ensuring the expansion of the scale of providing services that are insufficient and in demand by the market in rural areas.*

***Ключевые слова:** Дополнительная отрасль, агробизнес, многоотраслевая, экономическое стимулирование, организационные аспекты, основная отрасль*

***Key words:** Additional industry, agribusiness, multi-industry, economic stimulation, organizational aspects, main industry*

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари устувор равишда ривож топаётган бўлиб, қишлоқ жойларида асосий иш берувчи сифатида шаклланди. Фермер хўжаликларида мол-мулк ва ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларга хусусий мулкчилик, қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан эса ижара шартномаси асосида (узоқ муддатли ижара) фойдаланиб келиши, ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб қилишдаги юқори даражадаги таваккалчилик ҳамда давлат томонидан доимий равишда, молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш фермер хўжалиklarининг ривожланиб боришидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган пойдевор ҳисобланади.

Аmmo, бугунги кунда фермер хўжаликлари олдида янада кўпроқ талаблар қўйилмоқда. Жумладан, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «...Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжалиklarини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади».¹

Шунинг учун ҳам фермер хўжалиklarининг иқтисодий мустаҳкам хўжалик юритиш субъектларига айланиши, фермер хўжалиklarида ҳар томонлама билимли, тажрибали мутахассислар шаклланиши, рақобатбардош техника ва технологияларнинг жорий қилиниши асосида бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таклиф қилиш имкониятлари кенгайиши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Фермер хўжалиklarида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши доирасида маҳсулотлар етиштириш, етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва ташиш тизимларини йўлга қўйган ҳолда, тайёр маҳсулотларни охириги истеъмолчиларга таклиф қилиш жараёни - иқтисодий моҳияти жиҳатидан

¹2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. Тошкент-2017 - 129 б.

аграр соҳа субъектларининг агробизнес фаолияти ҳисобланиб, аграр ишлаб чиқариши муносабатлари ривожланиб боришининг ҳозирги босқичда кластер тизими сифатида ҳам талқин қилинмоқда.

Агробизнес фаолияти одатда – тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (дастлабки, чуқур қайта ишлаш) қайта ишлаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шу жумладан, қайта ишланган (асосан тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги озиқ - овқат маҳсулотларини) сақлаш; янги узилган ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги хом ашёси (қайта ишлашга мўлжалланган барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) савдосини йўлга қўйиш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, қайта ишловчи субъектларга хизматлар кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш каби йўналишларини ўз ичига олади.

Юқоридаги фикрларга таянадиган бўлсак, фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиши, бу агробизнес фаолияти сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин. Айни пайтда фермер хўжаликларида ташкил қилинган қўшимча тармоқлар орқали тегишли ҳудудларда аграр тармоқ корхоналарига турли йўналишлардаги хизматлар кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий механизмларни такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш орқали агробизнесни ривожлантириш, қишлоқ жойларида етарли бўлмаган ва бозор талаб қиладиган хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайишини таъмин этиши орқали деҳқон хўжаликларида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади. Кичик ҳажмли деҳқон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг товарлилик даражаси ортиши учун шароит кенгайди.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш кўплаб ташкилий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишни талаб этади. Хусусан, фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга

қўйишдаги ташкилий ва иқтисодий асосларни қўйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин (1.1-расм).



1.1-расм. Фермер хўжаликларидида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий ва иқтисодий асослари²

Фермер хўжаликларидида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий жиҳатлари қўйидаги масалаларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ:

² Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- республикадаги мавжуд ҳуқуқий базага таянган ҳолда фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари мақомини (фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш бўлинмаси ёки мустақил юридик шахс) танлаб олиш;

- фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг табиий - иқлим шароитлари ва маҳаллий бозорлардаги ишлаб чиқариш кўзда тутилаётган маҳсулотга бўлган талабни ҳисобга олиб қўшимча фаолиятнинг ишлаб чиқариш (қўшимча тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ихтисослашуви) йўналишини танлаш;

- фермер хўжаликлари томонидан қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишда, қўшимча тармоқларни (агар мустақил юридик шахс бўлса) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш кейинги босқичда амалга ошириладиган масала ҳисобланади. Бунда фермер хўжалигининг қўшимча тармоқлари кичик корхона, маъсулияти чекланган жамият каби хўжалик юритиш шаклларида иш юритиши мумкин;

- фермер хўжалиги қошидаги қўшимча ишлаб чиқаришни зарур ер участкалари, сув, электр энергияси ва бошқа моддий - техник ресурслар ва мутахассислар билан мунтазам таъминлашнинг самарали фаолият юритадиган тизимини ташкил қилиш;

- қўшимча тармоқларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозорларга чиқариш ва савдо тизимини ташкил қилиш масалаларидан иборат бўлади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишнинг иқтисодий жиҳатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- фермер хўжаликлари қошида ташкил қилинган қўшимча тармоқлар фаолиятини қисқа муддатли бизнес режалаштириш ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда босқичма-босқич жорий этиш;

- фермер хўжалигининг доимий ишчилари ва қўшимча тармоқда фаолият юритувчи ходимлар билан ўзаро манфаатли ҳамда меҳнатни иқтисодий рағбатлантирувчи ички муносабатларини йўлга қўйиш;

- фермер хўжалиги ва қўшимча тармоқларда сувдан, ердан, моддий-техник ресурслар ҳамда фермер хўжалиги ихтиёридаги техника воситаларидан самарали фойдаланиш борасидаги иқтисодий механизмларини йўлга қўйиш;

- қўшимча тармоқларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун талаб этиладиган моддий-техник ресурслар, замонавий техника ва технологиялар ҳамда хизматлар харид қилиш юзасидан хўжалик шартномалари имзолаш, уларнинг ижросини йўлга қўйиш;

- қўшимча тармоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш, фермер хўжалиги ва қўшимча тармоқларни ривожлантириш механизмларини жорий этиш кабилар.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий асослари бири иккинчисини тақозо қилувчи ўзаро боғлиқ жараёнлар бўлганлигидан уларни ажратиш шартли ҳисобланади. Шу билан биргаликда иқтисодий асослар бирламчи аҳамиятга эга бўлади.

Қўшимча тармоқларни ташкил қилган фермер хўжаликларида иқтисодий асослар ёки иқтисодий муносабатлар шаклланишининг дастлабки ҳамда энг асосий бўғини бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўғини ҳисобланади. Қўшимча тармоқлар эса асосий тармоққа хизмат қилган ҳолда, унинг ривожланиши учун иқтисодий базисни кенгайтириши лозим. Шунинг учун ҳам қўшимча тармоқларни йўлга қўйишдаги иқтисодий муносабатлар тизимини қуйидаги йўналишлар ва иқтисодий алоқалари доирасида гуруҳларга ажратиш мумкин (1.2-расм):

Ўз навбатида қўшимча тармоқларга эга фермер хўжаликларида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар умумий ҳолда ички ва ташқи иқтисодий муносабатлардан иборат бўлиб:

қўшимча тармоқларга эга фермер хўжаликларининг таъминоти ва хизмат кўрсатувчи субъектлар билан ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимига (қўшимча тармоққа эга фермер хўжаликлари ва давлат идоралари



1.2-расм. Фермер хўжалиklarида қўшимча тармоқлар фаолияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар³

ўртасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва экинларни жойлаштириш борасидаги; ресурс етказиб бериш тизими корхоналари ўртасидаги, ресурслар олди-сотдиси бўйича пайдо бўладиган; хизматлар кўрсатиш ва хизматлар харид қилиш бўйича юзага келадиган; давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи фермер хўжалиklar ва пахта тайёрловчи, қайта ишловчи давлат корхоналари ўртасида етиштирилган маҳсулотни сотиш юзасидан пайдо бўладиган; ресурс таъминоти, молия-кредит, солиқ, суғурталаш тизими субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизими);

- қўшимча тармоқларга эга фермер хўжалиklarининг маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги ички иқтисодий муносабатлари тизимига бўлган ҳолда

³Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

ўрганиш мумкин (кўп тармоқли фермер хўжаликларда маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурслар ва хизматлар харид қилиш фаолиятини бошқариш, режалаштириш борасидаги; иш кучидан самарали фойдаланиш ва моддий манфаатдорликни таъмин этиш борасидаги иқтисодий муносабатлар тизими).

Юқорида санаб ўтилган иқтисодий муносабатлар тизими ўз ўрнида янада майдароқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимларига бўлиниб боради, иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашиб бориши, унинг мураккаблашиб, такомиллашиб боришидан далолат беради. Ва аксинча такомиллашиб бориш асносида иқтисодий муносабатларнинг оддийлашиб, соддалашиб бориши кузатилади.

Список литературы

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017.-592 б.

4. Хушматов. Н.С. Фермер хўжаликлари ва аграр фанининг мутаносиб ривожлантирилишини таъминлаш зарурати. Аграриқтисодиёт. Илмий-амалиймуаммолар бюллетени./ЎзБИИТИ.– 2005. - № 3-4. –Б. 4-6.

5. Хушматов. Н.С. Основные проблемы развития фермерских хозяйств. Иқтисодиёт ва таълим. // Ж.-2005. -№ 4. –Б. 102-104

6. Хушматов. Н.С. Основные направления научных исследований способствующих развитию фермерства в Узбекистане. Агро XXI. –Москва. // Ж. - № 1-3. 2006. -Б. 6-7.

7.